БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 19 октябрь Жума
№ 200 (13.636).
Баҳоси 3 тийин.


• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

«Ҳосил—90»



ВОДИЙДАН ХУШ ХАБАР КЕЛДИ

Наманганликлар йиллик пахта тайёрлаш режасини бажардилар



КЎМАК

125 минг 355 гектар майдонда деҳқончилик қилган Наманган вилояти пахтакорлари она-Ватанга 365 минг 962 тонна хом ашё топширдилар. Ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 29,2 центнерданн ташкил этди.

Вилоят бўйича 186 та пахтачилик комсомол-ёшлар жамоалари бўлиб, уларнинг ҳозиргача 162 таси йиллик пахта тайёрлаш режасини бажарган.

Илғорлар ҳақида гап кетганда қуйидаги комсомол-ёшлар жамоаларини айтиб ўтиш жоиздир. Янгиқўрғон ноҳиясидаги Ильич номли давлат хўжалигининг Каримжон Сотимов етакчилик қилаётган комсомол-ёшлар жамоаси 80 гектар адир ерларда деҳқончилик қилишган. Йигит-қизлар йиллик режани 19 иш кунида бажаришди. Ялпи ҳосил миқдори 194 тонна, ҳосилдорлик эса гектарига 24,3 центнердан.

Шунингдек, Задарё ноҳиясидаги «Гулбоғ» давлат хўжалигининг 7-бўлими, 7-бригадасида меҳнат қилаётган Муҳитдин Жўраев бошчилигидаги жамоа ҳам издошларидан қолишаётгани йўқ. Эрта баҳордаёқ 126 гектар ерга чигит қадаган ёш деҳқонларнинг ҳозиргача уйган хирмонлари 400 тоннадан ошиб кетди. Хом ашёнинг эрта йиғиб-териб олинишида механизатор Ҳусанбой Аширов-нинг улуши катта.

Каримжон Отахонов раҳбарлигидаги комсомол-ёшлар жамоаси ҳам Наманган ноҳиясида биринчилардан бўлиб йиллик пахта тайёрлаш режасини бажарганлардан. Ҳосилдорлик эса 34 центнерданни ташкил этди. Илғорлар «Ленинград» жамоа хўжалиги бошқаруви томонидан рағбатлантириб борилди.

Вилоятда ҳамон пахта терими давом этаётир.

Маъмуржон ҒАНИЕВ.

СУРАТЛАРДА: вилоят пахтазорларида машина терими; Чуст ноҳиясидаги «1-Май» жамоа хўжалигининг илғор теримчиси Гулсара Султонова.

Т. АҲМАДАЛИЕВ суратга олган.



БЛКЁИ Марказий Қўмитаси III пленумининг резолюцияси

«ЁШЛАР ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»

Пленум:

— 1991 йил 1 январгача БЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюросига асосий вазифаси мамлакат ёшлари, комсомол ва бошқа ёшлар ташкилотларининг турмуши ҳамда муаммолари тўғрисида ахборотлар тўплаш ва оммалаштиришдан иборат бўлган Бутуниттифоқ ахборот агентлигини ташкил этиш юзасидан таклифни кўриб чиқишга киритишни;

— 1991 йил 1 апрелгача БЛКЁИ Марказий Қўмитасининг телевизион каналлари ва программаларини ташкил этиш имкониятини ўрганишни;

— 1991 йил 1 январдан БЛКЁИ Марказий Қўмитасининг радиостанцияси иш бошлашига эришиш, зарур бўлган ҳуқуқий масалалар ҳал этилганидан кейин, ана шу мақсадларга 1990-1991 йилларда 2 миллион 432 минг сўм ажратиш зарур деб ҳисоблайди.

Пленум комсомол қўмиталарининг նоширлик фаолиятини ривожлантириш, улар томонидан матбаа асбоб-ускуналарини сотиб олиш, ёшлар учун рўзномалар, ойномалар ва китоблар чиқариш билан шуғулланувчи ўз ноширлик марказларига эга бўлиш тарафдори бўлиб чиқади.

Пленум ССЖИнинг «Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни кучга кирганлигини ҳисобга олган ҳолда комсомол қўмиталарининг таҳририятлар жамоалари билан ҳамжиҳатлиги характерини ўзгартириш зарур деб ҳисоблайди ва федерация субъектларига, комсомол қўмиталарига ўз олдига БЛКЁИ ҳаракатномавий мақсадларига зид бўлмаган вазифалар қўйган нашриётлар, матбаа ва қоғоз ишлаб чиқариш корхоналари, халқ депутатлари Кенгашлари ва уларнинг ижрочи тузилмалари, нашрларнинг меҳнат жамоалари, давлат, жамоат ташкилотлари, бирлашмалар, уюшмалар билан таъсис этувчилик тўғрисидаги таклифларни диққат-эътибор билан кўриб чиқишни таклиф қилади.

БЛКЁИ Марказий Қўмитаси III пленумининг қарори

«КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА» РЎЗНОМАСИНИНГ ФАОЛИЯТИ ҲАРАКАТНОМАСИ (АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ) ВА ТАҲРИРИЯТ НИЗОМИ ТЎҒРИСИДА»

БЛКЁИ Марказий Қўмитаси пленуми қарор қилади:

1. «Комсомольская правда» рўзномаси фаолиятининг ҳаракатномаси (асосий принциплари) тасдиқлансин.

2. «Комсомольская правда» рўзномаси таҳририятининг Устави асосан тасдиқлансин. БЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюросига рўзнома журналистлар жамоаси билан келишган ҳолда Уставнинг матнига ССЖИнинг «Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ зарур ўзгартишлар киритиш топширилсин.

3. БЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюросига «Комсомольская правда» рўзномасининг таҳририяти ва КПСС Марказий Қўмитасининг «Правда» нашриёти билан шартнома тузиш топширилсин.

ЖИДДИЙ ЁНДОШАЙЛИК

СЪЕЗД МИНБАРИГА

Ўзбекистон комсомолининг ноябрь ойида бўлиб ўтадиган навбатдаги XXIV съездида қабул қилинадиган Устави ва Ҳаракатномаси лойиҳалари, жойларда қизғин муҳокама қилинаётир. Ёшларнинг бу зайил ёндашувлари яхши. Кескин танқидий фикрлар билдирилмоқда, маъқуллашлар ҳам оз эмас.

Шахсий фикрларим. Аввало, ЎзЛКЁИ мустақил ёшлар ташкилоти мақомини олар экан, эндиликда унинг номланишини ҳам ўйлаб кўриш керак. Негаки, агар ЎзЛКЁИ БЛКЁИнинг бир қисми — ажралмас бўлаги бўлиб қолар экан, унга алоҳида Уставнинг ҳеч бир зарурати йўқ эди. Мустақиллик — ҳам номланишда, ҳам ҳаракат дастури, низомларнинг бир-биридан кескин фарқида кўринади. Устав лойиҳасини ўқиб чиқиб, афсуски, буни унчалик сезганим йўқ. Бир қарашда у БЛКЁИ Уставининг у ер, бу ери «қиртишланиб», муҳитга, шароитга мослаштирилган нусхасини эслатади. Аслида ҳам шундай. Демак, БЛКЁИ Уставини қабул қилиб қўяқолсак нима қилади? Мақсадимиз — муштарак бўлса.

Шу ҳолда борадиган бўлса, эрта-индин ҳар вилоят ташкилоти ва шаҳар, ноҳия комсомол ташкилотларининг ҳам ўз Уставларини қабул қилишга тўғри келади. Улар ҳам ҳеч бир иккиланмай айтиш керак — мазкур Уставнинг «эгизак»лари бўлиб қолишади. Муҳокама учун кетадиган вақтга ачинасан...

Биринчи галда, ташкилотга аъзо бўлган ёшларни ҳимоя қилиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари учун курашишни бош масала қилиб олиш керак. Куни кеча «комсомол» деганда менсимай қарайдиган кишилар — айрим раҳбарлар бугун «фирқа»га ҳам шу зайил муносабатда бўлишмоқда. Иш жараёнида хўжалик раҳбарларининг беписанд қарашлари, лоқайд муносабатларига кўп бора дуч келиб, янги Устав комсомол ташкилотларига, унинг аъзоларига қандай ҳақ-ҳуқуқлар берар, ҳеч бўлмаганда ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилар экан, деб ўйланасан. Устав лойиҳасида бу борада аниқ хулосанинг ўзи йўқ.

Агар Устав лойиҳасида кўрсатилган ташкилотга аъзолик муддатини шу ҳолда қабул қилинса, биз жуда катта сонли қисмимиздан ажраламиз. Яъни ўрта мактабларнинг юқори синфларига ўтган, мустақил ҳаётга одатланган, кўнглида соф, дадил фикрлар, ватанпарварлик туйғулари шакллана бошлаган ўсмирлардан. Шу сабаб **мен комсомол ташкилотига аъзоликни 14 ёшдан белгилаш тарафдориман. Чунки, ана шу бир ёш—бир йилда ўсмирда кўпгина хислатлар, фазилатларни тарбиялаш, шакллантириш, кераклн йўналишга солиб юбориш мумкин бўлади.**

Яна бир айтадиган фикрим, ташкилотнинг пул маблағларини ҳам аниқ бир тартибга солиш зарур бўлади. «Фалон фоиздан фалон фоизгача» ибораси эндиликда, бозор иқтисодиёти жараёнида кетмайди. Бошланғич ташкилотларда маблағлардан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда, унинг аниқ назоратини юқори ташкилотлар қатъий кузатиб туришларини кафолатлаб қўйиш зарур.

Устав бу жумҳуриятимиз ёшлар ташкилотининг ҳаракатномаси демакдир. Шундай экан, унга юзаки қараш, борми-бор, қабул қилиндими, қабул қилинди зайлида эскичасига қўл кўтариб тасдиқлаб юборишдан олдин пухта ўйлаб, аниқ бир қарорга келиш зарур. Мен бўлажак съездда иштирок этадиган вакилларни шунга чақирар эканман, жойларда билдирилган таклиф-истаклар ва шахсий фикрларим учун курашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Г. ҚУРБОНБОЕВА,
Хоразм вилоят комсомол қўмитаси котибаси.

«Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91»



АФСУНГАРНИНГ ҲИММАТИ

Ишлаб ўтирувдик. Қўқондан телефон қилишди.

— Бир нимани айтмоқчи эдим. Афсунгар Раҳмонберди Исломов болалар уйи...

Алоқа узилди. Воқеадан тўлиқ воқиф бўлиш ниятида дарров Бутуниттифоқ цирк ва эстрада артистлари кўригининг соҳиби УзССЖ «Билим» жамиятининг олий даражадаги маърузачиси Р. Исломовни йўқладик.

Бирон ишкал чиқибдими, деб ўйладик ҳам. Тўғри-да, афсунгарга ишониб бўладими? Балки қизиқиб кетиб...

Хайрият, тинчлик экан. Билсак...

Яқинда Фарғона, Андижон, Наманганга «Узбекистон комсомоли» ташвиқот карвони сафида сафар қилган Раҳмонберди Исломов Қўқон шаҳридаги 14-сонли болалар уйига ташриф буюрди. Бу ерда у афсунгарлик ва... ҳотамтойлик кўрсатди. Болалар «Ёш ленинчи», «Комсомолец Узбекистана» рўзномалари ҳамда «Ғунча», «Гулхан», «Сирли олам» ойномаларини йил давомида ўқисин учун ўз ёнидан юз сўмга уларни обуна қилдирди.

Қурбон АЛИ.

«ЁШ ЛЕНИНЧИ» ҲУРМАТ КИТОБИ

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАРИМИЗ, жонкуяр маслаҳатчи ва маслакдошларимиз!

Маълумки, 1991 йил рўзнома ва ойномалари учун обуна қилиш қизғин паллага кирди. Аммо бу муҳим кампанияда ўзбўларчилик, боқибеғамлик ва жон куйдирмаслиқ билан иш тутаётганлар ҳам йўқ эмас. Ана шулардан фарқли ўлароқ обунани қизғин ва уюшқоқлик билан ўтказаётган жамоалар, ташкилот ва хўжаликларнинг жонкуяр раҳбарларининг самарали меҳнатларини, намунали ишлари ва ташаббусларини юзага чиқариш ниятида «ЁШ ЛЕНИНЧИ» ҲУРМАТ КИТОБИ»ни ташкил этдик.

«Ёш ленинчи» обунасини намунали йўлга қўйган, уни биринчилардан бўлиб туғаллаган, кам даромадли оилаларни, фуқароларни ва ишлаб чиқариш илғорларини хўжаликлар, ташкилот ва комсомол қўмиталари ҳисобидан энг кўп обуна қилишни ташкил этганлар «ЁШ ЛЕНИНЧИ» ҲУРМАТ КИТОБИ»га ёзиладилар.

«ҲУРМАТ КИТОБИ»да эълон қилинганлар 1991 йил давомида «Ёш ленинчи» рўзномаси ходимлари диққатида бўладилар, уларнинг мураккаб муаммоларини ҳал этишда имкон қадар кўмаклашадилар.

Аввал ваъда қилганимиздек, «Ёш ленинчи» ходимлари жумҳуриятимизнинг таниқли санъат усталари ва ижрочи ёшлари билан ҳамкорликда очиқ мулоқот — «Ёш ленинчи» байрамлари ўтказишни эътибордан қолдирмайди.

«ҲУРМАТ КИТОБИ»га ёзилиш учун қуйидаги шартларга амал қилиш лозим:

Ташкилот, жамоа ва давлат хўжаликлари комсомол қўмиталари «Ёш ленинчи» га обуна бўлган муштарийларнинг умумий сони кўрсатилган ҳужжатни ва обуна учун алоқа бўлимларига ёки «Союзпечать» агентликларига пул ўтказганликларини (аниқ кунини кўрсатиб) тасдиқловчи ишонч қоғозларининг бир нусхасини рўзномамизга юборишлари зарур.

Таҳририятимизга сим қоқиб ёки телеграмма юбориб, маълумот берган ташкилот, давлат ва жамоа хўжаликлари, комсомол қўмиталари маълумот берган кундан бошлаб ўн кун орасида юқорида қайд этилган ҳужжатларни бизга юборишлари шарт.

Шундай қилиб «ЁШ ЛЕНИНЧИ» ҲУРМАТ КИТОБИ»га биринчи октябрдан ўн саккизинчи октябрга қадар ўтказилган обунада қуйидагилар:

1. УзЛКЁИ Тошкент шаҳар қўмитаси — ҳар биттаси уч сўмдан 15 минг 650 нусха имтиёзли қоғоз тайёрлагани учун;

2. Фарғона вилояти Боғдод ноҳиясидаги «ПАХТАКОР» «БОЛЬШЕВИК» ва «ЛЕНИНГРАД» жамоа хўжаликлари ҳар бири пахта йиғим теримида фаол қатнашган 100 нафардан комсомол-ёшлар «Ёш ленинчи»га обуна қилиш учун хўжалик ҳисобидан 1200 сўмдан пул ажратгани учун;

3. Носир АКРОМОВ раҳбарлик қилаётган Тошкентдаги «САВОБ» ХАЙРИЯ ШИРКАТИнинг спорт соғломлаштириш маркази ходимлари — пойтахтдаги Чилонзор ноҳиясининг 138-мактаб ўқувчиларидан (кам даромадли оилаларнинг фарзандларидан) 100 нафарини «Ёш ленинчи»га обуна қилиш учун 1200 сўм пул ажратганлиги учун ёзилдилар.

АЗИЗ ИХЛОСМАНДЛАРИМИЗ! Обунанинг муддати узоғи билан 1 ноябргача белгиланган. Вақт оз қолди. Севимли рўзномангизга обуна бўлишга шошилинг!

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-79-69; 32-56-57; 32.56.58; 33.32.51.

Футбол

МУҲИМ ИККИ ОЧКО

Соат тунги 12. Юракни ҳовучлаб овозингор қулоғини бурайсиз. Шарҳловчининг пахтакорчилар 2:1 ҳисобда олдинда боришяпти, деган сўзларини эшитгандан сўнггина кўнглингиз жойига тушиб, енгил нафас оласиз, хайрият...

...Кеча эрталабданоқ телефон қўнғироғи узун жиринглади. «Алло, «Ёш ленинчи»ми, Душанбедан, «Совет Тожикистони» рўзномасидан безовта қилаяпмиз. «Пахтакор»нинг ашаддий ишқибозларимиз. Кечаси репортажни эшитолмадик. Имкони бўлмади. Ютибди, деб эшитдик. Бу ёғи энди олий лигага бир қадам. «Помир»нинг ёнида яна бир Ўрта Осиё командаси тўп суриб турса қанийди, деб орзу қилардик. Табриклаймиз».

Чемпионат туғашига оз қолди. Севимли командамиз энди ўз майдонида яна уч ўйин ўтказади. Икки оғиз кечаги ўйин ҳақида. Биринчи бўлиб ҳисобни меҳмонлар очишгач (14-минут, И. Шквирин), мезбонлар ҳам ҳужумни кучайтиришди. Хавфли вазиятлар юзага келди. Ниҳоят, 17-дақиқада умидли ўйинчилардан бири Воробьев «Пахтакор» дарвозасини узоқдан туриб аниқ нишонга олди. Бироқ иккинчи бўлимда Галеев яна тошкентликларни олдинга олиб чиқди. Шундан сўнг ҳамюртларимиз ҳимояга зўр бердилар. 2:1 ҳисоби ўйин охиригача сақланиб қолди.

Анчадан бери майдонга тушолмаган Геннадий Денисов Ростов-Донда яхши ўйин кўрсатди. Лекин... ҳимоячимиз Бондаренко ва Галеевларнинг ҳакам томонидан огоҳлантириш олишгани ёмон бўлди.

«Пахтакор» навбатдаги ўйинини ўз майдонида 25 октябрь куни Нижний Новгороднинг «Локомотив» командаси билан ўтказади.

Кечаги турда ўтказилган бошқа ўйинлар натижалари: «Зенит» — «Тирас» — 0:0, «Нефтчи» — «Таврия» — 2:1, «Нистру» — «Шинник» — 1:2, «Металлург» — «Геолог» — 2:0, «Локомотив» НН — «Кузбасс» — 2:0, «Факел» — «Локомотив» М — 1:2, «Динамо» Ст — «Қайрат» — 2:1, «Спартак» — «Кубань» — 2:1, «Котайк» — «Динамо» Сх — 2:1.

Слёт олдидан

БОЛАЛАР ЖОНУ ДИЛИМ

Кашшофлар раҳнамосининг ўқувчилар билан олиб борадиган иши жуда ҳам серқирра ва серташвишдир. Қолаверса, бу иш звено, отряд ва дружиналардаги фаолиятга кўп жиҳатдан боғлиқ. Муҳими, иштирок даражасини аниқ баҳолаш.

Мен кўп йиллардан буён шу соҳада меҳнат қиламан. Шу касбни севаман. «Балиқ сувсиз яшай олмаганидек», мен ҳам ҳаётимни болаларсиз тасаввур қила олмайман. Мактабга янги келганимда, менга бир кичкина хонани кўрсатиб, «мана шу кашшофлар хонаси» дейишгани эсимда. Хонада битта горн ва барабандан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Нима қилиш керак? Дарҳол болаларни йиғдим, ўзимни таништирдим. Сўнг уларга қиладиган ишларни тушунтирдим. Тез орада ишлар юришиб кетди. Билмаганларимни шу соҳанинг тажрибали кишиларидан сўрадим, рўзнома-ойномалар билан танишиб бордим. «Вожатий» китобини ўқиб чиқдим.

Кашшофлар хонасини жиҳозлаш қийин бўлмади. Доривор ўсимликларни йиғиш ҳақидаги таклифим болаларга маъқул тушди. Шундай ҳам қилдик, уни 1-дорихонага топширдик ва пулига горн, барабан, материал, кўргазмали қурол, рангли қаламлар, турли бўёқлар ва қоғоз олдик. Хонани кўнглимдагидек безатдик.

Мана ҳозир кўрса кўргудек кашшофлар хонаси бор. Меҳнатларим зое кетмади. БЛКЁИ ва Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмиталарининг, вилоят ва ноҳия комсомол қўмиталарининг мақтов ёрлиқлари, пул мукофотлари ва бир қанча эсдалик совғалари билан тақдирланганман. 1988 йил «Методист-вожатий» унвонига сазовор бўлдим. Айни пайтда ноҳия халқ таълими бўлимида штатсиз методист, ноҳия кашшофлар кенгашининг раиси муовини сифатида жамоат топшириғини бажариб келаман.

Бугунги кунда синф раҳбари билан кашшофлар раҳнамосининг ҳамкорлиги умуман йўқолиб кетаётганлиги мени ташвишга солмоқда. Синф раҳбарлари кашшофлар ишларига умуман қизиқмайдилар, ҳатто линейкаларда ўз синфлари олдида туриш ўрнига, томошабин бўлиб тураверадилар. Ахир тадбирларда қатнашсалар, ҳеч бўлмаса галстук, нишон ҳақида, операциялар ҳақида, кашшофлар рамзлари ва гулқоғозлари, анъаналари хусусида уларнинг тарихи тўғрисида оз бўлса-да, билимга эга бўладилар-ку. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтиришим мумкин.

Авваламбор раҳбарлар кашшофлар фаолиятига қизиқсинлар. Шундагина бирон муваффақиятга эришиш мумкин.

А. ИБРОҲИМОВ,
Чуст ноҳиясидаги 40-мактабнинг методист-вожатийси, ноҳия Кенгаши депутати.

ФАН, МАКТАБ ВА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ БЎЛИМИДАН: илгари хабар қилганимиздек, шу йилнинг 27-31 октябрь кунлари XV жумҳурият кашшофлар слёти бўлади. Табиийки, унда кашшофлар ҳаёти ва у билан боғлиқ муаммолар ҳақида сўз боради.

Ҳурматли ўқувчи-муштарийлар, кашшофлар, устозлар, кашшоф раҳнамолари XV жумҳурият кашшофлар слётида қандай масалалар ўз ечимини топишини истайсиз? Сизларда ушбу тадбирга қандай тайёргарлик кетяпти? Слёт делегатлари қай тарзда сайланди? Шу ва шунга ўхшаш масалаларга боғлиқ хат-хабарлар, таклифларингизни кутамиз.

Улар комсомол оталиғида

Тўрткўл шаҳар 5-Гагарин номли санаторий типидаги мактаб-интернатидамиз. Бу илм даргоҳида сил касалликларига чалинган ўқувчилар таълим олишади, даволанишади.

Мактаб-интернат чорак аср илгари ташкил этилган. Бугунда унинг ихтиёрида ҳар томонлама қулайликларга эга ўқув биноси, ётоқхона, ошхона, даволаш муассасаси, иссиқхоналар ҳамда катта саҳндаги боғ мавжуд.

Тўрт юздан ошиқ ўғил-қиз ҳам соғлиғини қайта тиклайди, ҳам маълумот олади бу ерда. Уларга тажрибали муаллимлар сабоқ беришади, ўз касбининг фидойилари бўлган дўхтирлар соғлиқларини доим назорат қилиб туришади. 53 нафар муаллим-тарбиячи болаларнинг меҳрибон «ота-она»ларига айланишган. Тўрт нафар шифокор ва ўн нафар шафқат ҳамшираси уларнинг хизматида.



«МЕҲРИМНИ БЕРАЙ СИЗГА...»

Мактаб-интернат директорининг таълим-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Йўлдош ака Иброҳимов қилинаётган ишлар, келгусидаги режалар ҳақида узоқ сўзлаши мумкин. Гап орасида санаторий—мактаб ташкил қилингандан буён шу ерда ишлаётган А. Дўсчонов, У. Нарнев, С. Худойберганов, М. Сафарова ва М. Иброҳимова каби жонкуяр муаллимларнинг ҳалол меҳнатларини эслатади. Камчиликларимиз йўқ, дейди у, аммо йилдан-йилга касалманд болаларнинг кўпайиб бораётгани кишини ўйлантиради. Оролбўйидаги экологик аҳвол сабабчидир балки. Ахир, бугунда биргина мухтор жумҳуриятда шу турдаги мактаб-интернатдан учтаси мавжуд...

Мактаб-интернатни айланамиз. Дарс машғулотлари олиб борилаётган синф хоналарида, болалар кунига тўрт марта овқатлантириладиган ошхонада, дам олиш хонасида бўламиз. Врач С. Қурбонов болаларни кўздан кечираётган пайти ижозат сўраб унинг хонасига кирамиз...

Ноҳия комсомол қўмитаси саркотиби Қ. Қиличев мазкур даргоҳ Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасининг оталиғидалигини, шу боис тез-тез хабар олиб туришларини айтади. Яқинда Марказқўм 2,5 минг сўмлик турли ўқув қуроллари, керакли жиҳозлар ажратган...

«Бизда доимий ўқиб-даволанувчилар кам бўлишади. Болаларнинг кўпчилиги дарсдан фориғ бўлиши билан ўз мактабларига қайтадилар», деб тушунтирди директор ўринбосари.

Англадикки, ўсмирлар кўнглида бу даргоҳ ҳақида яхши хотиралар қолади. Врачларнинг, муаллимларнинг, тарбиячиларнинг меҳрибонлиги. Илм ўргатишгани, касалликдан халос этгани. Ота-она сингари бошини силаганлари...

Бу даргоҳдан биз кўнглимиз тўқ чиқиб кетдик. Ёлғиз тилагимиз, бу масканга келувчилар сони қамайсин. Болаларимиз соғлом ўсишсин.

Жумабой ҚОЗОҚ.
«Ёш ленинчи» мухбири.

* * *

СУРАТДА: санаторий типидаги мактаб-интернат ҳаётидан лавҳалар.

Суратларни муаллиф олган.







Ёшлар ҳаётидан

МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Сирдарё вилоятининг Ворошилов, Комсомол, Оқолтин, Ховос ноҳияларида ва Гулистон шаҳрида «Ёш депутатлар кенгашлари» тузилди. Ушбу кенгашларнинг фаолияти туфайли, ёш депутатлар энди қўриқ ўлка ёшларининг муаммоларини ҳал этиш билан янада фаол шуғулланиш имкониятига эгадирлар.

Шундай кенгаш ташаббуси билан Гулистонда ёғ-экстракция заводи ёш ишчиларининг меҳнат шароити яхшиланди, завод ётоқхонасини таъмирлаш тугалланди, болалар комбинати фойдаланишга топширилди. Комсомол ноҳиясининг Янгиобод қўрғонида ёшлар маданият маркази қурилиши ниҳоясига етказилмоқда, Оқолтин ноҳиясида эса уй-жой бинолари қурилиши бошланди.

Ёшларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилашга алоқадор масалаларни ҳал этаётган 44 ёш депутат ўз меҳнат жамоаларидаги комсомол йиғилишларида қилинган ишлар тўғрисида ахборот беришди.

ДОРИЛФУНУНДА ЯНГИ КУЛЛИЁТ

Сивац номли авиасозлар маданият ва техника саройининг халқ дорилфунуни ҳузурида ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш куллиёти ташкил этилди. Бу ерда армия хизматига чақириладиган ёшлар билан машғулотлар бошланди. Ҳарбий касб эгалари, Авиасозлар шаҳарчаси мактаблари бошланғич ҳарбий тайёргарлик дарсларининг муаллимлари сабоқ беришмоқда. Бу маданият саройи сиёсий-маърифий бўлими кейинги вақтда ташкил этган халқ дорилфунунининг ўнинчи куллиётидир.

Дорилфунун янги куллиётлари орасида тингловчиларни ёшларга тааллуқли ҳуқуқий билимлар билан таништирадиган «Ўсмир ва қонун» деб аталган ҳуқуқий билимлар куллиёти бор. «Бошланғич фирқа ташкилотлари котибларининг иш усули ва уни ташкил этиш» деб аталган жамоатчилик касб-кори куллиётидаги дарслар фирқа ва ҳукуматимизнинг дастурий ҳужжатларини ўрганишга, бошланғич фирқа ташкилотларида демократияни ривожлантиришга бағишланган.

ЎҚИШ ВА ЁЗИШНИ ЎРГАНЯПМИЗ

Қашқадарё вилоятида эски ўзбек ёзувини ўрганиш халқ дорилфунунлари иш бошлади. «Билим» жамиятининг вилоят ташкилоти бу ишларининг ташаббускори бўлди. Қўриқ ўлканинг барча ноҳияларида ҳозирнинг ўзида ўнта шундай дорилфунун ишлаб турибди. Уларда ёшларгина эмас, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган кишилар ҳам шуғулланишади. Маҳаллий мактабларнинг муаллимлари ҳамда Қарши педагогика билимгоҳининг олимлари машғулотлар олиб боришмоқда.

Бу ўқув йилида «Билим» жамияти лекторлари фаолиятида кўп нарсалар ўзгарди. Биринчи навбатда халқ маорифи ходимлари, тилшунос олимлар билан алоқалар мустаҳкамланмоқда. Бу одатга риоя этиш эмас, балки жонажон ўлка тарихи, кўҳна ҳужжатларни ўрганишга кўмаклашадиган аниқ мақсадга йўналтирилган дастурдир. Чунки эски ўзбек ёзувини билмай туриб, ўтган асрлардаги олимларнинг қимматли асарларини, адабиёт ва санъатнинг ноёб ёдгорликларини билиш мумкин эмас.

РАЪНО—СТИПЕНДИЯ ОЛМОҚДА

17-мактабнинг саккизинчи синф ўқувчиси, аълочи Раъно Умрзоқова Бўз ноҳиясидаги «Партия XX съезди» номли давлат хўжалигида биринчи бўлиб стипендия ола бошлади. Давлат хўжалигида шу хўжаликда яшовчи энг яхши ўқувчи болаларни 20 сўмлик стипендия билан рағбатлантиришга қарор қилинган. Хўжалик ҳудудида еттита умумий таълим мактаби бор. Давлат хўжалиги ўқув-моддий базани мустаҳкамлашда уларга катта ёрдам бермоқда.

ЯНГИ МУТАХАССИСЛИК

Марғилондаги 32-ҳунар-техника билим юртида талабаларга янги мутахассислик ўргатила бошланди. Бу билим юртининг битирувчилари ўзбек тилида иш юрита оладилар. Ўқиш муддати — 10 ой. Корхоналар ва ташкилотлар шартнома тузиб, ўз ходимларини шу билим юртига юборишлари мумкин. Талабаларга махсус тайёргарликдан ўтган тажрибали муаллимлар таҳсил берадилар.

(ЎзТАГ мухбири).

Хорижден хабарлар

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ВАРШАВА. Польша Жумҳурияти президенти лавозимига номзод Лех Валенса ана шу лавозим учун курашни ярим миллион кишининг имзоси билан бошлашини айтди. Шунга қарамай, «Бирдамлик» касаба уюшмаси миллий кенгашининг раиси бугун Гданьскда ташкил этилган мухбирлар билан учрашувда сўзга чиқиб, ўз номзодини қўллаб-қувватлаш учун тўпланган имзоларнинг аниқ рақамини айта олмаслигини маълум қилди.

Мен президент бўлишни хоҳламаган эдим, лекин президент бўлишим керак, деди у «Польша ислоҳотини ниҳоясига етказиш» ва «мамлакатни Европага қайтариш» ўзининг вазифаси эканлигини эслатиб. Бизни нималар кутаётганлиги номаълум бўлган бир пайтда барқарорликка умид боғлаб бўлмайди.

Лех Валенса ўзининг сайловолди дастурига тўхталиб, бундай саволлардан унинг кулгиси қисташини айтди. Бундай саволлар жаҳоннинг кўпдан буён ўзини оқлаган система амал қилаётган қисмида берилса яхшироқ бўлади. Польшада ҳеч қандай система йўқ ва президент ана шундай системани яратишга ҳаракат қилиши керак. Агар шахсиятпараст давлат бошлиғи шахсиятпарастликдан иборат дастури билан ўз дастурига эга бўлган қайсар бош вазирга, бунинг устига қайсар парламентга дуч келса, бу мамлакат учун фожиали бўлур эди. Бундай аҳвол ўзбошимчаликка олиб боради ва ташаббусни яна кўчаларни тўлдирган сафсатабозлар ўз қўлига олади.

БЕЛГРАД. Югославия Социалистик Федератив Жумҳурияти иттифоқ ижроия вечеси (парламенти) раисининг ўринбосари Живко Прегл Югославиянинг бўлажак давлат тузилиши муаммосини ҳал қилиш мақсадида Югославиядаги барча жумҳуриятлар, шунингдек Косово мухтор ўлкасидаги албан аҳолиси вакиллари билан музокара олиб бориш тўғрисидаги Югославия ҳукумати режаларини эълон қилди.

Бу ҳақда у Венада Австриянинг АПА матбуот агентлиги мухбири билан суҳбатда маълум қилди. Бу билан, деб таъкидлайди Югославиянинг ТАНЮГ агентлиги, ЮСФР ҳукуматининг вакили Югославияга доир халқаро конференция ўтказиш ғоясини рад этди. Югославиядаги тангликни бартараф этиш юзасидан Венада халқаро конференция ўтказиш ҳамда эҳтимол тутилган миллатлараро тўқнашувларнинг олдини олиш учун халқаро қўшинлар қисмларини Югославия ҳудудига жўнатиш ғоясини Хорватия матбуоти шунингдек, Хорватия жумҳурият раҳбарияти ўртага қўйган эди, кейинчалик Хорватия раҳбарияти ўз баёнотини рад этди.

БМТ. БМТнинг табиий офат чоғида ёрдам беришни мувофиқлаштириш бошқармаси (ЮНДРО) етти ҳафта давомида Иорданиядан бошқа мамлакатларнинг 708 минг 970 фуқароси олиб чиқиб кетилганлигини хабар қилди. Бу фуқаролар 5 августдан бошлаб Ироқ ва Қувайтдан уларга чегарадош давлатга ўтган эди. Шундай қилиб, деб таъкидланади сешанба куни БМТ қароргоҳида тарқатилган матбуот ахборотида, мислсиз операция натижасида кенг миқёсли инсоний фожианинг олди олинди. Шуниси диққатга сазоворки, қочоқлар вақтинча турган лагерларда эпидемиялар чиқишига йўл қўйилмади.

Асосан авиация ёрдамида ўтказилган бу тадбирга Иордания ҳукумати ЮНДРО ва бошқа халқаро ҳамжамият органлари билан яқин ҳамкорликда одамларни кўчириш вазирликлараро қўмитаси раҳбарлик қилди. Бу тадбирнинг амалга оширилиши Иордания учун 50 миллион долларга тушди. Мамлакат ҳукумати энди ана шу сарф-харажатларни қоплашни илтимос қилиб пул ажратган давлатларга мурожаат қилди.

ОТТАВА. Канада ҳукуматининг таклифига биноан бу ерга келган Атом энергетикаси халқаро агентлиги (МАГАТЭ) Бош директори Ганс Бликс энергиянинг энг соф манбаи бўлган атом электр станцияларига қизиқиш бутун жаҳонда яна сўзсиз тикланишини башорат қилмоқда. Бунинг икки сабаби бор, деб ҳисоблайди у. Биринчидан, Ироқнинг Қувайтга бостириб кириши жаҳон нефть бозори осонгина барбод бўлиши мумкинлигини ҳаммага эслатди. Иккинчидан, ҳозирги ўн йиллик сайёрада иқлим исишининг олдини олиш йўлларини қийинчилик билан излаш даври бўлади.

Маълумки, органик ёқилғидан фойдаланиш натижасида ҳавога жуда кўп миқдорда ис гази чиқиб ер сатҳидаги иссиқликнинг ер атрофидаги фазога ўтишига йўл қўймаяпти. Г. Бликс журналистлар билан суҳбатда таъкидлаганидек, нима қилиш кераклиги ҳақидаги баҳслар тобора кескин тус олмоқда. Бундай вазиятда ҳукуматлар ядро энергетикасини менсимаслик, масъулиятсизликдир, деган хулосага келадилар.

ТОКИО. Япониянинг табобат соҳасидаги тадқиқотчилар гуруҳи ракни самарали даволашнинг янги усулини ишлаб чиқди. Бу усулга организмнинг рак ҳужайралари билан зарарланган қисмига «иссиқлик билан ишлов бериш» асос қилиб олинган бўлиб, айни пайтда ракка қарши дорилар қонга юборилади. Токиолик профессор Тэцудзо Агиси бугун Окаяма шаҳрида очилган илмий симпозиумда шу ҳақда хабар қилди.

(СИТА, 17 октябрь).

ПОЙТАХТ ТУРМУШИНИНГ МУАММОЛАРИ

ХАНОЙ, 18 октябрь. (СИТА мухбири Алексей Папандин). Жиддий қийинчиликлар мавжудлигига қарамай, Вьетнам пойтахти меҳнаткашлари шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларини муваффақиятли равишда амалга оширмоқдалар.

Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида шаҳар корхоналарида саноат ишлаб чиқариши ҳажми 4,9 фоиз ошди. Ўғит етишмаслигига, об-ҳаво шароитининг оғир келишига қарамай, шаҳар чеккаси зонасидаги қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари 500 минг тонна озиқ-овқат маҳсулоти етиштириб, режалаштирилган кўрсаткичга эришдилар.

Айни вақтда кенгашда саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши энергия ресурслари ва хом ашё учун тўланадиган ҳақ кўпайтирилиши сабабли тўхтаб қолаётганлиги таъкидланди. Шу боисдан бир қанча корхоналарда оборот фондларни тузишда, янги шартномаларни имзолашда қийинчиликлар туғилмоқда. Тайёр маҳсулотни сотиш муаммоси ҳам илгаригидек кескин бўлиб турибди. Маҳсулотнинг сифати пастлиги ва истеъмол бозорида хорижий моллар билан қаттиқ рақобат туфайли унга талаб бўлмаяпти. Шаҳар корхоналарининг омборларида 20 миллиард донгликдан ортиқ (20 миллион сўмга яқин) миқдорда сотилмаган маҳсулот тўпланиб қолган.

Давлат савдосидаги аҳвол ҳам жиддий ташвиш уйғотмоқда. Товарлар ва хизматлар нархининг муттасил қимматлашаётганлиги ханойликларнинг турмуш даражасига салбий таъсир ўтказмоқда. Нархлар ўсишининг ўртача ойлик кўрсаткичи 2,5 фоиздан кўпроқни ташкил этди, сентябрь ойида эса 4 фоиздан ошиб кетди.

КАШПИРОВСКИЙ ПОЛЬШАДА ЯШАЙДИ.

ВАРШАВА, 17 октябрь. (СИТА мухбири Владас БУРБУЛИС). Польша матбуоти шов-шув гапларни тарқатди — асаб касалликларини даволовчи шўро шифокори Анатолий Кашпировский оиласи билан бирга Польшага кўчиб келишга қарор қилди.

СИТА мухбири ҳозирги вақтда Шчецинда турган А. Кашпировскийга мурожаат этиб, шу янгиликни тушунтириб беришни илтимос қилди.

«Мен Совет Иттифоқи фуқароси бўлганман ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қоламан, — деди у. — Кейинги йилларда Польшага тез-тез келиб туришга тўғри келди. Бу сафарлар менга руҳий жиҳатдан мадад берди. Бу ерда телепсихотерапия билан жиддий шуғулланишади. Илмий марказларнинг бири менга бу соҳада Киевда бошлаган тадқиқотларимни давом эттириш учун ўз базасини таклиф қилди». Кашпировский Польшага қиладиган сафарларига алоқадор турли ҳужжатларни расмийлаштиришда вақтни тежаш мақсадида Польша маъмурларининг доимий яшаш учун рухсат олиш тўғрисидаги таклифини қабул қилганлигини айтди.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, машҳур шифокор довруқ таратишига онаси польшалик эканлиги, шунингдек бу ерда у хайрия мақсадида бир неча сеанс ўтказганлиги ҳам кўмаклашди, албатта.

А. Кашпировскийнинг сўзларига қараганда, у Ватан билан алоқаларини узиш ниятида эмас. Киевда доимий яшар экан, бундан кейин ҳам қўшни Польшага тез-тез бориб туради. У ССЖИдаги сингари Польша жумҳуриятида ҳам телепсихотерапия соҳасида илмий тадқиқотлар билан шуғулланиш ниятидадир.

Афғонистон ҳукумат қўшинлари йирик операция ўтказди

КОБУЛ, 17 октябрь. (СИТА мухбири Игорь ШИШКОВ). Афғонистон армияси бўлинмалари исёнчиларнинг Забол вилоятидаги таянч пунктларини йўқ қилиш юзасидан йирик операция ўтказди. Тўрт кун давом этган жанглар мобайнида тўплар ва авиация зарбалари натижасида 120 экстремист ҳалок бўлди ва 150 киши яраланди. Қурол-яроғ ва ўқ-дори ортилган 17 та юк машинаси йўқ қилинди. БАХТАР агентлигининг хабар қилишича, Тахар вилоятида ҳукумат қўшинлари ҳукуматга қарши тузилмалардан бўлган жангариларнинг ўз хавфсизлик постларига қилган ҳужумини қайтарди. Душман кўпгина одамларидан айрилиб, анчагина талофот кўрди.

Саманган вилоятида «Афғонистон ислом фирқаси» (АИФ) отрядлари ўртасидаги ўзаро тўқнашувлар натижасида томонлардан бир неча киши ҳалок бўлди. Қундуз вилоятида АИФ отрядларидан бирининг жангарилари ўз рақобатчиларининг таянч пунктини миналаштириб кетишди. Портлаш оқибатида уч киши ҳалок бўлди, икки киши яраланди.

Халқ милицияси экстремистлар тўдалари террорининг олдини олиш юзасидан муваффақиятли иш олиб бормоқда. Бу йил ички ишлар вазирлиги бўлинмалари пойтахтда ҳамда Кобул вилоятида 300 дан зиёд жанговар операция ўтказди. Душманнинг 150 та мустаҳкамланган позицияси яксон этилди. Шу даврнинг ўзида қарийб бир ярим минг исёнчи, шу жумладан хорижий маслаҳатчилар асир олинди.



КОМПЬЮТЕР НИМАЛАРГА ҚОДИР?

Деярли кўп нарсага. Инсоннинг электрон ёрдамчиси бугунги кунда оммавий ахборот воситаларига, кинематографияга, алоқа ва бошқа соҳаларга кенг кириб бораётир.

Амриқо Қўшма Штатлардаги Массачусет технология билимгоҳининг лаборатория ходимлари, инсон мияси ва электрон машинанинг программалаштирилган фикрлаш қобилиятини уйғунлаштириш чораларини ўйлаб топмоқдалар. Олимларнинг таъкидлашича, ЭҲМнинг имконияти шу даражага етиши мумкинки, инсон мияси билан идрок этолмаган олам сирларини ошкор қилишда самарали восита бўлиши мумкин. Амриқоликлар шундай мўъжизавий машинани яратишга шошилмоқдалар.

СУРАТДА: «Электрон футуризм» услубидаги ушбу тасвир Массачусет технология билимгоҳи лабораторияси компьютер экранидан олинган.

(СИТА сурат хроникаси).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЖИРАФАДА... БЕЛАНЧАК

Кананга шаҳридаги циркка ташриф буюрган томошабинлар учун қизиқ «машғулот» ҳадя этилди. Томошалар оралиғидаги танаффусда саҳнага икки жирафани олиб чиқишди. Уларнинг бўйнига махсус мослама ўрнатиб, тизимча боғланди. Шундай қилиб, оддий беланчак ҳосил қилинди.

Унда 3-5 ёшдаги кичкинтойлар арзон нархда учишди. Бир зумда ишқибозлар кўпайиб, уларни бошқариш ҳам қийин бўлиб қолди. 20 минутлик танаффусда жирафалар «чидаб беришди». Бироқ, уларнинг бирига асалари ҳужум қилиб қолди. Шунда, «новча» ундан ҳимоялана туриб, қалтис ҳаракат қилди. Яхшиямки, муҳофаза мосламаси бор экан, беланчакда учаётган жажжи лат емади, деб ёзади «Вельтам зонтаг» (ОФЖ) рўзномаси.

ФАЛОКАТ ЁРДАМ БЕРДИ

37 ёшли Кристина Ванн Мюнхен яқинида рўй берган темир йўл изидаги фалокатда жароҳат олди. Унинг эшитиш қобилияти сусайди.

Бироқ, бу унга ёрдам берди. Мюнхенлик врач Ганс Шинтцернинг муолажаси туфайли шу даражага эришилди. Кристинага энди қийин бўлди. Чунки у кўп вақтини қулоққа мослама тақиб, ўтказиши керак. Йўқса, ишда шивирлашиб гаплашаётган ҳамхоналарининг, ҳатто қўшни хонада суҳбатлашаётганларнинг товушини ҳам англай олади. 15-20 метр масофада туриб электрон соатларининг юриш товушини эшитиши кишини ҳайратга солади. Кристина ўтнинг ўсиш давридаги ҳаракатини ҳам англайди, деб ёзади «Орбита» (Булғория) ҳафталиги.

ЭВАЗИГА КАРТОШКА

Соломоновлар ороли пойтахтида (у Санта Крусдан ғарбда жойлашган) шифокорлар меҳнати картошка билан тақдирланади.

Мабодо, шифокор бемор уйига ташриф буюрса, у эвазига йирик картошка олади. Бу қоидага ҳафтанинг беш кунида ва кундуз кунигина риоя этилади. Кечқурун, тунда ҳамда шанба эрталаб шифокор беморни даволагани учун 5 дона картошка олишга ҳақли, деб ёзади «Гамбургер бендблат» рўзномаси.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Хорижден хабарлар

Халқ табобати

Поёнсиз ва мафтункор қозоқ даштларини кимё саноатининг задди-заҳарлари билан ифлослантираётган йирик корхоналар шаҳри Чимкент ортда қолиб, йўлимиз Сайрам ноҳияси тарафга бурилди.

Сўлим Оқсув қишлоғига кириб борарканмиз, ўтган-кетгандан Саййид Эргаш Алининг уйини суриштирдик.

Хонадон шундоқ марказда, Патрис Лумумба кўчасида экан. Уй атрофида йигирматага яқин енгил машина, юзга яқин одам бор десам лоф бўлмаса керак. Ихтиёрсиз равишда эшик тарафга юрганимни кўрган ўрта ёшлардаги киши йўлимни тўсди: «Йўл бўлсин, ука?»

Мен табиб ҳақида мақола ёзиш ниятида келганман, касал эмаслигимни тушунтиргунимча, беш-олти киши эшик олдида «девор» бўлди. Ғала-ғовур бошланди. Мен улар билан тортишмасдан орқага қайтдим. Дарахт соясида ўтириб хаёл сурдим. Қизиқ, бирор бир поликлиникада врач қабулига навбатсиз кироласизми? Йўқ. Ҳамма ерда навбат.

Омадим юришиб, туюқсиз эшикдан чиқиб келган табибнинг ўғли Муҳаммадали билан танишиб қолмаганимда, дарахтнинг соясида яна қанча ўтиришимни билмайман.

Табиб шу кунлари ҳеч кимни ҳузурига чорламас, рафиқаси Ҳалима опа фақат узоқ жойлардан келган оғир касалларни қабул қилаётган экан. Тўғрисини айтсам, табибнинг салобати босди мени. Қаердан ва нима мақсадда келганлигимни англагандан сўнг, оҳиста гап бошлади:

— Шу рўзнома бор гапни ёзса-да. Бир кичкина далилни ёзиб, унга ана ундоқ бўлганда, бундоқ бўларди деб изоҳ беришини тўғри деб баҳоламайман. Ўқиган одам ўзи фикрлаб олаверсин.

Табиб уйга киришни таклиф қилди. Чўнг хонанинг баланд шипларига осиб қўйилган ўн беш чоғли бедана саватлари-ю, деворга араб имлосида битилган диний ёзувлар. Хонтахта атрофида ўтириб, суҳбатни давом эттирдик.

— **Табобат билан қачондан буён шуғулланасиз?**

— Мен билан суҳбатни савол-жавоб тарзида олиб бормоқчисиз-да. Ҳа майли, розиман. Саволга камроқ ўрин қолсин учун аввало ўзим ҳақимда бир-икки оғиз гапирсам. Дадам, араб, онам пуштун миллатидан. Биз Қарғабоблар авлодиданмиз.

— **Кечирасиз, тушунмадим.**

— Бўлмаса, эшитинг. Қадим Туркистонда тўрт йирик — Ўтрор, Яссий, Савран, Сарём вилоятлари бўлиб, Ўтрор кейинчалик Шаулдир деб номланган, яъни ҳозирги Чимкент вилоятига қарашли ерларда жойлашган экан. XII асрда Маккаи Мукаррамадан тўрт йирик боб келади. Бу бобларнинг мақсади — Ўтрорда ислом динини тарғиб қилиш, халқни ислом динига киргизиш. Буларнинг биринчиси Лочинбоб — Саййид Исҳоқ Қурайшин. Саййид унинг пайғамбар авлодидан эканлигидан далолат берса, Исҳоқ оти, Қурайш қабиласига тегишли. Иккинчиси Қарғабоб — Саййид Умар Қурайшин. Учинчиси Қисқичбоб — Саййид Юсуф Қурайшин. Тўртинчиси Арслонбоб — Саййид Умар Қурайшин. Биз Қарғабоблар — Саййид Умар Қурайшинлар авлодиданмиз. XII асрда Чингизхон Ўтрорга юриш қилгандан кейин ҳамма ҳар ёққа тарқаб кетади. Бизнинг ота-боболаримиз ўшанда Сарёмга, яъни ҳозирги Сайрамга келиб қолган. Онам пуштун, Мусалли ҳожининг қизи Тилла бону эдилар. Ота-онам табобат билан шуғулланишарди. Менинг ота-бобом ҳам. Ўзим йигирма биринчи ота меросда турган табибман. Табобат билан ёшлигимдан шуғулланаман. Тоғу тошлардан гиёҳ териш болаликдаги асосий машғулотимиз эди. Ўрта мактабни тугатиб, Андижондаги тиббиёт билим юртига кириб ўқидим. Кейин Андижон педагогика билимгоҳининг кимё-биология куллиётини, ундан сўнг Тошкент тиббиёт олий билимгоҳини ҳам тугатдим. Бундан ташқари, Москвадаги биринчи тиббиёт билимгоҳида, Харьков, Киев, Олмаота тиббиёт билимгоҳларида неврология бўйича билимимни оширдим, нина билан даволаш сирларини ўргандим.

Замонавий тиббиётга бўлган муносабатимизга келсак... Қатъий бир фикрни айтиш қийин, албатта. Чунки, замонавий тиббиёт Ғарб тиббиётига асосланади. Ғарб тиббиёти ўз вақтида Шарқ тиббиётига асосланиб ривожланган. Таъбир жоиз бўлса, мен бир мисол келтирай. Фурқатнинг «Сайдинг қўя бер сайёд» ғазалини ўзбекчадан немисчага таржима қилинг. Немис тилидан русчага таржима қилинг ва ўзбек ўқувчисига ўқиш учун беринг. Шу ўзбек ўқувчиси «Сайдинг қўя бер сайёд»ни ўқигандек бўладими? Тўғри, тиббиёт аниқ соҳа, лекин шарқона фикрни ғарбона таҳлил қилиш ҳар қандай аниқ соҳага ҳам путур етказади-да. Мен яна бир нарсани айтай, замонавий тиббиёт инсон мижозини ўрганмайди. Ҳа, энди мижозни ўрганмаган тиббиёт — тиббиёт эмас-да. Шарқ табобатида инсон мижозига қараб муолажа қилинади. Бу жуда муҳим. Биз Шарқ тиббиётини яратиб қўйган ота-боболаримиз меросини, халқ табобатини чуқур ўрганиб, кундалик тиббий хизмат эҳтиёжлари учун кенг қўллашимиз даркор. Мен замонавий тиббиёт ютуқларини инкор этмайман, ўрни келганда уни чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қиламан. Бироқ, даволашда асосан Шарқ табобатига асосланаман. Замонавий дори-дармонни ҳам касалларга тавсия қиламан. Чунки касаллар ҳар доим мен айтган ўт-ўланларни ёки ҳайвон ёғларини тополмайдилар. Қолаверса, замонавий доришунослик жуда яхши, самарадор.

— **Кейинги йилларда тиббиётда беқиёс муваффақиятлар қўлга киритилди. Олимларимиз кўз кўриб, қулоқ эшитмаган мўъжизаларни кашф қилмоқдалар. Инсон танаси аъзоларини кўчириб ўтказиш — трансплантация, травматология соҳасида, микрохирургия...**

— Тўхтанг, тўхтанг. Мен замонавий тиббиёт ютуқларини инкор этмайман, деб сизга айтдим-ку, айниқса, жарроҳлик ва травматология соҳасидаги ютуқларга қойил қоламан. Нима демоқчи эканлигингизни тушундим. Келинг, масаланинг бошқа томони ҳақида фикрлашайлик. Жигари ишдан чиққан одамга янги, соғ жигар кўчириб ўтказган маъқулми ёки шу одамнинг жигари касалланишининг олдини олган маъқулми? Энди сариқнинг олдини олиш мумкинми ёки айтайлик, шу касалга чалинган одамни қисқа фурсатда бу дарддан форих қилганми? Дала-қирларда, йўл бўйларида, адирларда сариқ гиёҳ ўсади (ўрисча номи «бесмертник»). Бу гиёҳ инсон танасидаги ўт ва сафрони ҳайдаб, жигар фаолиятини яхшилаш хусусиятига эга. Шу гиёҳни қуритилган ҳолда дамлаб ичилса (1 литр сувга 1 ош қошиқ миқдорида), инсон учун кони фойда. Ҳеч ким бу ҳақда ўйламайди. Бемор узоқ муддат шифохонада ётади. Қанча дори-дармон, қанча маблағ, қанча вақт. Энг ёмони, одам тани қийналади. Жигар касаллигининг олдини олиш ёки уни қисқа фурсатда даволашда қўл келадиган кўп гиёҳлар мавжуд. Айтмоқчиманки, гиёҳ билан даволашни кенг йўлга қўйиш керак. Кетма-кет касалга чалинган жигарни ишга яроқсиз ҳолга келгунча «даволаб», кейин уни соғ жигарга алмаштириб, мақтанишимиз, «тиббиётнинг улкан ютуғи» деб кўкракка уришимиз жуда ҳам катта ютуқ эмас. Мен бир воқеани айтиб берай. Ҳиндистонга ишлаш учун борган бир ўзбек йигитининг юраги оғриб қолганда, ҳинд дўстлари уни бир табибнинг олдига олиб боришади. Табиб йигитга қоғоз халтачага солинган дори беради ва шу дорини тайёрлаб, ичиш усулини айтади. Бу қандай дори экан денг?

...Туршак, ҳа ўзимизнинг боғларимизда ўсадиган ўрик туршаги! Халқ табобатида ўрик юрак фаолиятини мустаҳкамлашда азалдан фойдаланиб келинган. Қишда ва айниқса, баҳорда туршакнинг устига қайнаган сув солиб қўйиларди, эрталаб шу шарбат истеъмол қилинарди. Яқинда менинг ҳузуримга жуда катта лавозимда ишлайдиган бир киши ташриф буюрди. Юраги ночор экан. Мен ундан қачон охирги марта ўрик шарбати истеъмол қилганини сўрадим. Эслолмади. «Ешлигимда Эски Жувадаги ҳовлимизда адам ҳар доим ўрик шарбати тайёрлардилар. Қишда доим туршак ердик», — деди. Буни қарангки, у кишининг дадаси 87 йил умр кўриб, юраги ҳеч қачон безовта қилмаган экан. Узи энди 53 ёшга кирган бўлсаям юраги ночор.

— **Муҳтарам табиб. Тўғрисини айтсам, беморга қўл теккизмасдан унинг касалини аниқлаш — диагноз қўйишингизга жуда ҳам ишонмайман. Чунки касални юз фоиз тўғри аниқлаш бўйича жаҳонда машҳур тибетлик табиблар Долкар Кхангкар ва Лосанг Вангьялар ҳам беморнинг томирини ушлаб кўрадилар.**

— Мен сизни тушунаман, ука. Мана, мен Сизни биринчи маротаба кўришим. Суҳбатлашаётганимизга бирор соатча бўлди. Сиз уч ёки тўрт йил муқаддам... (Не ҳайратлар бўлсинким, табиб уч йил муқаддам чалинган дард номини айтиб, тўлиқ даволанмаганлигимни таъкидлаб, дарддан тамоман фориғ бўлиш учун зарур гиёҳлар номини ёзиб берди).

Энди менда шундай хусусият бўлса керак-да. Туғилганимда олти дона тишим бўлган. Етти ойликда юришни бошлаганман. Беш яшарлигимда энди намоз ўқишни ўрганаётган пайтларим эди, инсон танаси ва аъзолари — ўпка, жигар, буйрак ва ҳоказолар менга яққол кўринарди. Мен нотаниш бир одамнинг жигари қайси рангда, ошқозонида нима бор айтиб берардим. Кейинчалик бу хусусият йўқолди. Бошқа хусусият пайдо бўлди. Бунисини айтмайман. Хуллас, мана шунақа гаплар. Лекин касалликни юз фоиз аниқ айтиб бераман. Беморга қўл теккизмайман. Бемор узоқ масофада бўлса ҳам майли, яқинда тушган сурати бўлса кифоя. Ёки ўша бемор бир варақ оқ қоғозни кафтлари орасига олиб ишқалаб, конвертга солиб берсин. Қоғозга бошқа одам қўл урмасин. Мен унга юз фоиз аниқ диагноз қўйиб бероламан. Томирини ушласам қон босимини айтиб бераман. Мени сон минг марта имтиҳон қилишган, ҳамма текширувлар ҳужжатлаштирилган. Қозоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус комиссияси менга «Халқ табиби» деган ҳужжатни бериш олдида жуда кўп текширишлар ўтказди. «Жуна» илмий-методик марказида ҳам текширувдан ўтиб, тўрт ой машғулот ўтказдик.

Муаллиф изоҳи.

Қозоғистон соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Я. А. Клебанов 1989 йилнинг 24 июлида Саййид Эргаш Алиев даволаш ишларида қўллаётган халқ табобати усулларини ҳар тарафлама текширувдан ўтказиш ҳақида 538-буйруққа имзо чекади. Табиб Олмаотадаги тиббий муассасаларда тажрибали олимлар томонидан ҳар томонлама текширувдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарор қабул қилади. Қозоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги халқ табобати усуллари билан даволовчи ва масофада туриб таъсир қилувчи шахсларни аттлетациядан ўтказувчи комиссиянинг 2-сон қароридан кўчирма.

«...Саййид Эргаш Алиевдан унинг фиторефлексотерапея ва масофада туриб инсонга таъсир ўтказиш усуллари ёрдамида даволаш, диагностика ишларида фойдаланилсин. Комиссия раиси, Қозоғистон соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Г. Г. Урмурзина. Комиссия раисининг ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори Б. Д. Тастанбеков.

1989 йил, 31 октябрь
Олмаота шаҳри».

Бундан ташқари, соғломлаштиришнинг ноанъанавий усуллари «ЖУНА» илмий-методик маркази томонидан берилган, масофада туриб таъсир қилишнинг Жуна Давиташвилининг усули бўйича тўла таълимот мактабини тугатганликларини тасдиқловчи 743-, 744-, 644-рақамли гувоҳномалар табибга, унинг рафиқаси Ҳалима опага ва қизи Муҳайёга тегишли.

— **Сизнинг даволаш усулларингиз билан тибетликлар табобатининг муштарак томонлари борми?**

— Бор деб ўйлайман. Чунки тибетликлар табобати ҳам бизнинг халқ табобати каби неча минг йиллик тарихга эга. Шубҳасизки, турли халқларнинг табобатчилиги бири-биридан ўрганиб, бир-бирини бойитиб келган. Мен тибетликлар табобатидан тўла хабардор бўлмасамда, бу табобатни энг илғор табобатчилик; деб биламан. Чунки улар замонавий тиббиёт даволай олмайдиган қатор касалликларни ҳам даволайдилар.

— **Сиз-чи?**

— Мен ҳам даволайман. Томоқ, қизилўнгач, ошқозон, тўғри ичак, қовуқ ва жинсий без ракларини бошланғич босқичларда даволайман.

— **Шу касалликлар билан оғриган қанча беморни даволагансиз?**

— Жуда кўп беморларни даволаганман. Мендан нажот истаб келган беморларни рўйхатдан ўтказиб, улар тўғрисида аниқ маълумотларни ёзиб қўйиш тўғрисида ўйламаган эканман. Ўттиз йилдан ошиқ қилинган меҳнатга назар солиш ҳам керак экан баъзан.

— **Ўттиз йилдан ошиқ вақт мобайнида сизнинг табобат билан шуғулланишингизга соғлиқни сақлаш идоралари ёки маҳаллий ҳукумат бирорбир шарт-шароит яратиб беришдими?**

— Шарт-шароит?! Мен яқин уч-тўрт йилгача қувғинда юрдим. Биздай табибларнинг доимий таъқиб остида бўлганлиги ҳеч кимга сир бўлмаса керак. Ҳозир энди расман рухсат берилган. Сайрам ноҳия ижроия қўмитаси қошида ширкат очдик. Ноҳия молия идораси келувчилардан маълум миқдорда пул олиб, навбатга ёзади. Биз даволаймиз. Аёлим ва қизим менга ёрдам беришади. 1990 йилнинг охиригача рўйхатлар тайёрланган. Энди фақат 1991 йилга навбатга ёзилиш мумкин. Саудия Арабистонидан келган бир бемор мижозимиз банк хўжайини экан, бизга шахсий клиника қуриб беришни таклиф қилди.

— **Сиз ҳозирги ёшларимиздаги қандай фазилатларни қадрлайсиз?**

— Меҳнатга иштиёқ ҳам бир фазилат бўлса, мен шуни қадрлайман. Ҳаётдаги жами қувончнинг отаси ҳам, онаси ҳам меҳнат. Меҳнатдан бўйин товладингми, хор бўлдим деявер. Тўғрисини айтсам, ҳозирги ёшларнинг аксариятидан норозиман. Инсон ўзлигини билиши керак-да. Диндан бехабар, диёнатдан берироқ одамдан умидингизни узинг. Мен диндорман. Ислом динини мен инсониятнинг ахлоқ қомуси деб биламан. Ёшлар диндан чиқиб кетди ҳозирги кунда. Эътиқодсиз, динсиз одамдан ҳеч қандай фазилат кутмаса ҳам бўлаверади. Шу сабабли мен фарзандларимдан эътиқодли бўлишни, шариат қонун-қоидаларига риоя қилишларини сўрайман.

— **Улар ҳам диндорми?**


— Ҳа, ҳаммаси намозхон. Ўғлим Муҳаммад Али Бухородаги Мир Араб мадрасасини тугатиб, Турбатдаги Исмоил ота Мачитида имом бўлиб ишлайди. Куёвим Муҳаммаднафи олий ислом билимгоҳини тугатган. Мусулмонларнинг Ўрта Осиё диний бошқармасида хизмат қилади. Оилада доимий амри маъруфни эрталаб мен бошлайман. Фарзандларга ахлоқ-одобдан насиҳатлар қилиш ҳар бир мусулмон учун фарздир.

Яқинда рафиқам Ҳалима бону билан Маккага ҳаж сафарига бориб келдик. Фарзандларимиз бизнинг сафаримизга жуда ҳайриҳоҳлик билдириб, сафардан қайтгунимизга қадар катта ҳовлида бир қозондан овқат еб, бирбирларига мададкор бўлиб бизни кутишган. Оиладаги кичкина нохушлик ҳам ислом динимизга, шариатимизга тўғри келмаслигини фарзандларимиз яхши билишади.

— **Муҳтарам табиб, сизга миннатдорчилигимни изҳор қилиб, рўзнома ўқувчиларига бўлган тилакларингизни уларга етказсам.**

— Энг аввало саломат бўлсинлар. Саломатликнинг, узоқ яшашнинг биринчи шарти — кўп овқат емаслик. Овқатдан қанча тўйиб ейилса, ички аъзолар шунча заиф тортади. Асабни эҳтиёт қилсинлар. Юзларидан табассум аримаса, иншоолло, жонлари ҳамиша соғ, таналари бардам бўлғай.

Муҳаммад ҲАМРОЕВ суҳбатлашди.



Табиб Саййид Эргаш Али:

«МЕН ДАРДНИ ДАВОЛАЙМАН»

Бизни ўйлантираётган муаммолар

ОСМОН ЙИРОҚМИ?

...КПССнинг сўнгги съезди очилиши арафаси.

Хоразмлик Ўктам ака ўша кунлари Москвага борди. Вакил бўлиб эмас. Шунчаки гинахонлик учун. Москва атрофидаги кичик шаҳарлардан биридаги қурилиш қисмида хизмат қилаётган ўғли Ойбек тўғрисида ташвишли хабар олганди. «Касалхонада. Тез етиб келинг. Аҳволи оғир...»

28 июнда етиб боришганида Ойбек ҳушсиз ётарди. Шундай тушунтиришди: **«Кўп қаватли бино яқинида ишлаётган пайти тепа қаватлардан биридан ташлаб юборилган тахта парчаси бошига тушган. Мия чаноғи синган. Жарроҳлик чораларини кўришган. Лекин... яшаб қолишига умид кам».**

Воқеа 26 июнь куни содир бўлади. Аниқ вақти номаълум. Бировлар тушлик пайти дейишса, бировлар тушдан кейин дейди. Операция эса кечки еттиларда қилинган. Уни негадир ҳарбий госпиталга эмас, фуқаро касалхонасига олиб боришган. Нимага? Маълум бўлишича, Ойбек хизмат қилган қисм командирининг қизи айнан шу касалхона қабул бўлимида врач бўлиб ишларкан...

«Бизга ўғлимизни кўрсатишмади, — деб куйинади Ўктам ака. — Аниқ бир маълумот айтишмади. Зобитлардан бириси: «Ҳеч бало бўлмайди, Афғонистонда бундан баттароқларини кўрганман», деб қўл силтади... Ҳатто зарурий дори-дармонларни ҳам топиша олмаган. Ўзларимиз излаб топиб беришимизга тўғри келди.

Тахта парчасини ким ташлаган? Саволимизга жавоб ололмадик. Қайсидир қаватларда тозалаш ишлари кетаётганда, бирортаси билмай ташлаб юборган, шекилли, деган мужмал гапни эшитдик. Ўғлимнинг бошида махсус иш қалпоғи бўлиши керак-ку. Ўша қалпоқни терговчида дейишди. Жиноий иш қўзғатилгани айтиб, ҳаммаси адолатли ҳал бўлишига ваъдалар беришди...»

Ўктам ака ва унинг ҳамроҳларини шу пайтда масаланинг бу жиҳатлари қизиқтирмаган. Ойбекнинг ҳеч ўзига келмаётгани, аҳволи ўнгланмай, ёмонлашиб бораётгани, буни кўриб, билиб юрган отанинг, жигарбандларининг ҳолатини кўз ўнгингизга келтиринг. Илоё, бу ҳолатни ҳеч кимнинг бошига солмасин...

Ойбек 1 июль куни шифохонада ўзига келмасдан жон берди... Уни икки кундан сўнг тайёрада олиб қайтишди. 4 июлда ерга қўйишди... 4 июль Ойбекнинг туғилган куни эди... Тирик бўлса, у роппа-роса ўн тўққиз ёшга тўларди...

Ойбекнинг тоғаси Комил аканинг ҳасратларидан: «Жасадни ўраш учун оқ чойшаб топилмади. Шифохонада бўлса-да, беришмайди, қўлингга қараб туришади... Ўликхонага олиб бориш учун замбилни ҳам пул бериб топтирдим... Ўзимизнинг аҳволимиз бир ҳолатда-ю, масъул кишиларнинг бефарқлиги бир ёқ... Юрт, одамлар бу қадар бузилиб кетган, деб ўйламагандим...»

Марҳум жангчининг онаси Онажон опа шум хабарни эшитгандан бери тўшакдан тургани йўқ. Ўзини еб бораётган онаизорга таскин берадиган сўз топилмади бизда. Юзма-юз келганда нимадир демоқчи эдик, лабларимиз қотди-қолди. Кўзимизга ғилтиллаб келган ёшни яширишга уриндик. Ожизлигимизни кўрсатгимиз келмади... «Юрагим ёниб кетаяпти» зорланди она.

Нима дейлик? Нени айтайлик? Ким таскин бера олади?...

...Ойбекдан хотира бўлиб қолган бир даста суратлар, мактабда олган етти дона фахрий ёрлиқларни бизга кўрсатаётиб, Ўктам ака кўз ёшларини тия олмайди...

Мана Ойбекнинг Боғот ноҳиясидаги Куйбишев номли ўрта мактабда ўқиб юрган пайтда тушган сурати. У аскар кийимида... Дунё ташвишларидан ҳоли болаликда ким Шўро қўшинида хизмат қилишни орзу этмаган? Бу кийимни эгнига олаётганда Ойбекнинг хаёлидан нималар ўтди? Бир кун келиб йигит умрига айнан шу ҳарбий либос, ҳарбий хизмат зомин бўлишини туш кўрибдими?...

Ўктам ака ўзини қаерга қўярини билмайди. Тошкентга бориб келди. Бош суқмаган идора-ташкилот қолмади. Умидвор кўзлари не-не остоналарда тош қотди. Ҳамма жойда илиқ сўзлар билан қайтаришди: «Аскар йигитларнинг ҳалок бўлишини ўрганадиган депутатлар ҳайъати ишлаяпти...» Ишлашаяпти-ю, аммо аҳвол яхшиланмаяпти. Ўктам акадек бевақт қадди дол бўлган, адолатни беҳуда излаётганлар қанча?

«Гулдек ўғлини нобуд қилишди. Яна жавобгар одамнинг ўзи йўқ. Ўн саккиз йил бу ниятда — темир тобутда келтириш учун емай едириб, оқ кийинтирганмидим! Йўқ, бунақаси кетмайди!» Падари бузрукворни ҳам тушуниш керак. Юртда уруш бўлмаса, қирғин бўлмаса. Рўй бераётган машъум ҳодисалар кишида ғазаб уйғотади.

Маълумотларга қаранг: афғон уруши энг қирғинбарот паллага кирган йилларда жумҳуриятимиз йилига қанчалаб аза очган... Ўтган йили эса 430 йигит...га.

Дардларимизни кимга айтамиз? Матбуотда эълон қилинган жумҳурият Президентининг бу борадаги махсус Фармони аҳволни яхшилашга хизмат қиладими? Назаримизда, ўғилларимизнинг тинч-омон ҳарбий хизматдан қайтишига кафолат — уларнинг жумҳурият ҳудудида хизмат қилишлари. Бошқа йўлини билмадик.

...Икки йил муқаддам ёз ойининг сўнгларида онламиз Бошқирдистондан машъум хабар олганди. Акамнинг икки ой олдин хизматга чақирилган ўғли ҳалок бўлгани тўғрисида. Унинг жасадини уч кундан кейин ҳарбийлар келтиришди. Ўлимига сабаб: ёмғир ёғиб турган пайтда кучли электр қувватли станцияда ёнғин чиққан. Мухтор Ҳасанов ёнғин бошқа биноларга тарқамаслиги учун электр қувватини ўчиришга уринган. Бунга эришган ҳам... фақат жони ҳисобига...

Икки ой олдин ўйнаб-кулиб кетган йигитдан қолган хотира мармарга битилган қабртош, бир варақ қоғоз.

...Хоразмнинг бирор гўшасига борманг, ким билан мулоқотда бўлманг, суҳбат мавзуси қўшинга бурилаверади. Фалончининг ўғли ҳарбийни ташлаб қочгани, фалончини уриб майиб қилишгани... ва энг даҳшатлиси темир тобутларнинг бевақт ташрифлари...

Шу йилнинг ўтган даврида вилоятга ўн бир нафар жангчининг жасади келтирилди. Биргина Шовот ноҳиясидан бешта йигит...

Шовот шаҳри марказидан ҳарбийга чақирилган Одилбек Сафаров 23 июль куни юқумли касалликдан вафот этган. Бу қисмда касалликдан вафот этган тўртинчи жангчи экан...

Шовотлик яна бир алп йигит Қудрат Қўзиев ҳам худди шу куни — 23 июлда рўй берган ўзаро тўполонда тўрт жойидан жароҳат олиб, ҳаётдан кўз юмган.

Қудратнинг ота-онаси иложликдан ўғли жасадини келтириб беришларини сўраган. Ҳарбий комиссариат бу ҳақда Қудрат хизмат қилган қисмга уч кун давомида сўров юборган. Лекин, сўровларга жавоб келмаган. Телефон орқали зўрға боғланишганда «Ўғлингизнинг жасадини олиб кетинглар» дейишган тошбағирлар.

Қудратнинг отаси меҳнат ногирони. Онаси оилага боғланиб қолган — етти нафар фарзандлари бор. Қудратнинг жасадини Пўлат аканинг ён қўшниси Қўчқор Саидов олиб келди. Ҳарбий комиссариат бир четда. Ҳарбий хизматга йигитларни чақириш, жўнатиш пайти бу идораларнинг елиб-югуришларини бир кўрсангиз...

Шовотлик Ражаббой Жуманиёзов Иркутскда хизмат бурчини ўтаб бўлай деганди. Уйга қайтиш тараддудини кўрарди. Лекин, насиб этмади, олти кундан сўнг ўлигини сувдан топишди. Тиббий суд кўриги «чўкиб ўлган» деб хулоса чиқарган қўйган...

Қўшкўпирлик Р. Қ. ҳарбий комиссариатга келиб, ўғли хизматдан ташвишли хатлар ёзаётгани, уни қийнашаётганини, ўзини-ўзи ўлдиришидан огоҳ этганини билдирган. Ноҳия ҳарбий комиссариати қисмга комиссия жўнатганда, хатда ёзилгани ҳақ бўлиб чиққан. Р. Қ.нинг ўғлини хўрлаб, ҳақоратлаганлар жавобгарликка тортилиб, ўзи бошқа қисмга ўтказилган...

Бундай ташвишли хабарлар, изтироб билан ёзилаётган хатлар анча.

Бу хат-хабарларга ишонмай иложимиз йўқ. Ўктам ака ўғли Ойбек ёзган сўнгги хатни кўрсатди. Унда шундай жумлалар бор: «..Мен ҳозир бошқа жойда ишлаб юрибман. Вақтинча ўн беш-йигирма кун ишлаймиз. Ишим яхши эмас. Кейин яна ўзимнинг ишимга ўтаман...»

Ойбек ҳалокатга дучор бўлмасдан икки кун олдин уни бошқа бўлинмага ўтказишганди. Олдингисида ҳар қалай юртдош йигитлар бўлишган. Олдинлар бирор марта норози хат ёзмаган...

Бу хат уйдагилар қўлига теккан пайти аллақачон шум хабар келиб, ортидан Москвага жўнаб кетишганди...

...Биз Ўктам аканинг мотамсаро хонадонидан бир дунё қайғу олиб кетамиз. Онаизорнинг бизга умидвор боққан нигоҳлари. Ўктам аканинг илинжига не чорамиз бор? Нима ваъда қила оламиз? Қўлимиздан келгани унинг дардини, қалб армонларини матбуот юзига олиб чиқиш. Балки бу билан қалб жароҳатини янгилаш...

Қўлимиздан нимаям келарди? Алғов-далғов замон, айқаш-уйқаш тақдирлар даври бўлса. Одамнинг жони бир чивинчалик қийматга эга бўлмаса... Дардингизни айтадиган, эшитадиган мард топилмаса... Осмон йироқ, ер қаттиқ. Яратганига илтижодан бўлак...

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

МАҚОЛАГА ҚЎШИМЧА:

Ёзганларни рўзномамиз таҳририятига жўнатиш учун эрталаб Урганчга отланаётиб, йўл-йўлакай кўприк олдида мусибатга тўлиб, чайқалиб ўтирган аёлга кўзим тушди. Ҳол-аҳвол сўрадим. Қўшнимиз Қурвон опанинг ўғли Ортиқ икки ой олдин ҳарбийга кетганди. Қозоғистоннинг қайсидир вилоятига тушган экан. Хабар келибди. «Ўғлингиз қисмдан қочди. Ҳозир касалхонада. Тез етиб келинглар». Отаси, поччаси жўнаб кетишибди. Касалманд, ярим жон онаизор эса йўл пойлаяпти. Ўғлига нима бўлди? Соғ-омонмикан?

Куннинг фожиаси шундаки, Қурвон опадек ўғиллари йўлига сочини супурги қилиб, соғлиғи, кўз нурларини йўқотиб зорланиб, тикилаётган онаизорлар қанча? Уларнинг қайғули нигоҳларига қандай бардош берамиз? Қачонгача?

Осмон ҳақиқатан шу қадар йироқми?...

Иттифоқ бўйлаб



Мануал терапиянинг иқтидорли мутахассиси Юрий Тарасов «Эрмитаж» Москва театри кечаси иштирокчилари кўз олдида таянч — ҳаракат системасидан азоб чекаётган турли ёшдаги бир неча беморларга ёрдам берди. У аёллардан бирига бир маротаба ишлатиладиган дори санчқини қўл терисидан тешиб ўтказиб, оғриқ сездирмайдиган қилиб танғиб қўйди.


СУРАТЛАРДА: 1. Сеҳргар Юрий Тарасов бир гуруҳ журналистлар билан суҳбатлашмоқда. 2. Тарасовнинг сеҳргарлик усули билан оғриқсизлантирилган аёл.

Р. НЕТЕЛЕВ суратлари.

СИТА суратхроникаси.



Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар



ЁРУҒ КУНЛАР УМИДИ

Кўпдан мени ҳар турли ўйлар ташвишга солиб келади. Кечалари хотиржамгина ором олишга, кундузлари ғам-андуҳсиз, бамайлихотир юришимга қўймайди, бу, ўйлар, бу хаёллар. Тенгдошларимизнинг аксарият қисми ўтмишимиздан тамомила бехабар. Ҳозирда ўзимизнинг миллий санъатимиз қолиб, Ғарб мусиқасига муккамиздан кетдик. Тўй-ҳашамлар ёки бошқа турли анжуманларда хонанда даврага эстрада асбобларисиз чиқса, унинг қўшиқ куйлашига халал бера-бера охири четга чиқариб қўямиз. Нега ота-боболаримизнинг қалбларига бир вақтлар яхшилик, инсонийлик, эзгулик уруғларини қадаган, тинглаганда юракларни сел қилиб, кўзларга ёш келтирадиган классик қўшиқларнинг лоақал бирontасини бўлса-да, биз ёшлар ҳозир сабр-тоқат билан охиригача чидаб эшита олмаймиз? Нега аждодларимизнинг ноёб дурдоналари бўлган халқ оғзаки ижодини, достонларини ёддан билмаймиз? Эҳтимол, ўзбекнинг асрлардан асрларга ўзининг фавқулодда истеъдоди орқали яшаб келаётган Навоий, Машраб, Бобур каби классикларимизнинг ғазалларини мутолаа қилиб, тушунмаганимиздан, уларнинг ғазаллари билан айтиладиган ашулаларни тинглаб англолмаганимиз туфайли шундайдир? Бу кетишда бора-бора бой миллий ва маданий меросимизни унутиб юбормаслигимизга ким кафолат бера олади?! Мана шунақа ўйлар, ғамлар кўнглимга соя ташлаб туради, менинг...

Бухоро вилояти 1-сон кўп профилли касалхонаси қошидаги «Гиёҳ» фольклор-чолғу дастасининг вакиллари билан суҳбатлашганимда, юқорида айтиб ўтганим, дилимни қоплаган «қора булутлар» буткул тарқаб кетгандек бўлди, назаримда. Ҳа, халқимизнинг мана шундай жонкуярлари бор экан, миллий санъатимиз абадий яшайди, дедим, ўзимга ўзим.

«Гиёҳ» дастаси 1978 йили тузилган. Ўшанда классик мусиқа ва халқ лапарлари, мақомларининг ҳақиқий тарғиботчиси, ажойиб санъаткор Нишон Отамуродовни дастанинг бадиий раҳбарлигига таклиф қилишганди. Гап шундаки, Нишон аканинг отаси шофёр бўлишига қарамай, қўшиқ куйлашни жону дилидан севарди. Уни Қосимжон Отамуродов деб ўз исми-шарифини аташса, ҳеч кимса танимасди, чунки бухороликларга азбаройи овозининг тиниқлигидан «Булбул» лақаби билан танилганди, у. Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, Нишон ака ҳам болалигиданоқ отаси таъсирида улғайди, санъатнинг нозик сирлари-ю машаққатли йўлларини ундан қунт ва сабот билан ўрганди. Дастага бадиий раҳбар бўлиб ишга келди, ҳанузгача шу лавозимда. «Гиёҳ» ўтган мана шу ўн икки йил давомида жуда кўп савоб ишларни амалга оширди.

— Биласизми, «Гиёҳ» дастаси шифохонада ташкил этилган ягона даста, Иттифоқимиз бўйича, — дейди вилоят 1-сон кўп профилли шифохона фирқа қўмитасининг котиби Рустам Бобожонов. — Беморнинг кўнгли ниҳоятда нозик, бамисоли чинни пиёлага ўхшайди. Унинг тезроқ соғайиб кетишига фақат дори-дармон, балки ширингина бир оғиз сўз, хушмуомалалик, кўтаринки руҳ ҳам маълум маънода малҳам бўлади. Шу томонларни ҳисобга олиб, вилоят комсомол қўмитасининг қўллаб-қувватлаши билан касалхона қошида даста ташкил этиш фикри туғилди. Мақсадимиз ширин сўз, хуш кайфият, намунали маданий ҳордиқ билан беморларимизнинг дардларига малҳам бўлиш. Ҳар ҳафтада текинга концертлар бериб келяпмиз, ўшандан бери. Ўрнидан туролмайдиганларнинг хоналарига радио орқали кириб борди, бизнинг куй-қўшиқларимиз. Хуллас, ҳамма хурсанд...

Эндиликда «Гиёҳ» дастасининг довруғи бутун жумҳуриятга ёйилди. Даста аъзолари вилоятнинг барча ноҳияларида ўзларининг концерт номерлари билан меҳнаткашларга яхши кайфият улашдилар. Ўзлари тўплаган маблағлари эвазига даста учун мусиқа асбобларини сотиб олдилар. Ойнаи жаҳон орқали бир неча марта чиқиш қилдилар. Шу йилнинг май ойида Бухоро вилоятининг 70-йиллиги муносабати билан Навоий номидаги театр биносида «Гиёҳ» дастаси катта концерт берди. Қувонарлиси шуки, зал томошабинлар билан лиқ тўла бўлди.

«Гиёҳ»нинг кўрсатган хизматлари муносиб тақдирланди, албатта. Унга «Халқ дастаси» деган юксак унвон берилди. 1988 йилда эса, вилоят Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлди.

— Бизнинг дастуриламалимиздан асосан ўзбек ва тожик халқ қўшиқлари, лапарлар, яллалар, ҳамда классик ашула ва мақомлар кенг ўрин олган, — дейди суҳбатдошим Нишон Отамуродов. — Зариф Очилов мусиқа раҳбари. Воҳид Гадоймуродов, ака-ука Одил ва Жалол Авлиёқуловлар, Нодир Каримов каби санъаткорлар билан бирга дастамизда ҳавасқорлардан ҳамшира Нодира Қувватова, шифокорлар Маъруф Хўжаев, Облоқул Ярашев, Алпер Рафаэль, Аҳад Шароповлар ҳам фаол иштирокчиларимиздан саналади. Биз қишлоқларда кўпроқ сафарларда бўлиб, нуроний отахонлар, табаррук момоларимизнинг оғизларидан илгариги халқ қўшиқларини ёзиб оламиз ва уларни куйга солиб, яна халқимизга тақдим этамиз. Мақсадимиз, унутилиб кетаётган маданий меросимизни қайта тиклаш.

Суҳбат асносида мен «Гиёҳ» дастасида турли миллат вакилларининг хизмат қилишларидан воқиф бўлдим. Р. Бобожонов ҳам, Н. Отамуродов ҳам миллатлар ўртасида келиб чиқаётган миллий низолардан ташвишда эканликларини, даста аъзоларининг нияти уларнинг туғишганлардек аҳил, иноқ ва дўст бўлиб яшаши эканини айтишди. Дастанинг энг ёш қатнашчиси Раҳима Отамуродова эндигина 11 ёшга тўлибди. Ўзининг дилбар рақслари билан мухлислар қалбини ром этаётган экан, бу қизалоқ.

Суҳбат якунида мен улардан «Гиёҳ» дастасининг келгусидаги орзу-умидлари, амалга оширажак ишлари ҳақида сўрадим.

— Иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам концертлар беришни режалаштирганмиз. Иложи бўлса, ўзбек ва тожик халқларининг ажойиб миллий классик санъатини хорижий элларда ҳам намойиш қилсак. Майли бизни қаерга юборишса бораверамиз. Муҳими, қардошларимиз бизнинг ҳам ўзимизнинг аждодларимиздан қолган қадимий, мафтункор санъатимиз борлигини билиб қўйишсин, — дейишди улар.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига тавсия қилинган номзодлар орасида «Гиёҳ» дастасининг ҳам борлигидан қалбим чексиз қувончга тўлди. Ҳа, бу юксак мукофотни миллий ва маданий меросимизнинг ҳақиқий жонкуярларига, тарғиботчиларига берилсагина адолатли иш бўларди. Зеро, «Гиёҳ» дастасининг ҳали халқимизга кўрсатадиган беминнат хизматлари кўп.

Шуҳрат ДЕҲҚОН.
ТошДД журналистика куллиёти 3-курс толиби.

Саволлар беринг!

«Пахтакор» қачон тузилган?

Севимли командамиз «Пахтакор»ни олий лига қатнашчилари сафида кўришимизга бир неча қадам қолди. Айтингчи, бу севимли командамиз қачон тузилган? Унинг моҳир ўйинчилари ва устозлари ҳақида маълумот берсангиз.

Нодир МАҲМУДОВ.
Н-қисм.

Жумҳуриятимиз футбол шарафини ҳимоя қилган Тошкентнинг «Пахтакор» командаси 1956 йилда тузилган. Ўша пайтларда унинг сафида Идгей Тазетдинов, Олег Моторин, Акмал Азизхўжаев, Лазиз Мақсудов каби ўйинчилар иштирок этишган. Анатолий Козенков команданинг биринчи капитани бўлган.

«Пахтакор» олий лигада иштирок этаётганда 2 мавсумда муваффақият қозониб, олтинчи ўринни эгаллаган. Бу 1962 ва 1982 йиллар бўлган. Моҳир ўйинчилардан В. Федоров , Ю. Пшеничников, Г. Красницкий ва М. Ан мамлакатимиз терма командаси сафида қатнашганлар. М. Билолов, Г. Денисов, В. Хадзипанагис каби ўйинчилар олимпиа терма командасида ўйнашган. В. Федоров эса Монреаль олимпиадасининг бронза медалига сазовор бўлган.

Қайд этилган рекордлар

Мамлакатимизда «Гиннеснинг рекордлар китоби» чоп этилганми? Унга қайд этилган ҳамма рекордлар кирганми?

Т. ЖЎРАЕВА.

«Совет Россияси» нашриёти бу йил биринчи марта «Гиннеснинг рекордлар китоби»ни юз минг нусхада босиб чиқарган. Унинг нархи 20 сўм.

Китобда инсоният қўлга киритган турли-туман ютуқлар тўпланган. Жумладан аёлларнинг қуйидаги рекордлари ҳам ўрин олган:

Москва яқинидаги Шуя қишлоғида яшаган деҳқон, Федор Васильевнинг (1707-1782) турмуш ўртоғи энг кўп фарзанд кўрган аёл ҳисобланади. Унинг кўзи 27 маротаба ёриган, 16 марта эгизак, 7 марта 3 тадан ва тўрт марта 4 тадан — ҳаммаси бўлиб 69 бола туққан.

Мария Кюри эса икки марта Нобель мукофоти лауреати бўлган. Дастлаб у турмуш ўртоғи Пьер Кюри ва Антоин Генри Беккерел билан 1903 йилда физика бўйича бу мукофотга сазовор бўлган. Иккинчи марта 1911 йилда кимё соҳаси бўйича олган.

Энг новча аёл — америкалик Сэнди Аллен (1955 йилда Чикагода туғилган) бўлиб, унинг бўйи 7 фунт 7,5 инчей — 2 метр 32 сантиметр бўлган.

Энг «қонхўр хоним» — венгриялик графиния Эрзбет Батори (1560-1614) бўлган У 610 нафар қизни ўлдиртирган. Суд ҳукмига биноан уни Ксежате қўрғонидаги хоналарнинг бирига қамаб, устидан девор уриб юборилган.

Энг хипчабел француз актрисаси Полэр хонимга насиб этган бўлиб, унинг белининг айланаси 33 сантиметрга тенг бўлган.

Энг қимматбаҳо тўй Франция ғарбидаги Нормандия департаментида ўтказилган. Мария Ниаршо ва Алекс Шевальеларнинг никоҳ тўйида ўн икки минг шиша шампань виноси ва қизил вино ичилган. Уларнинг қиймати 500 минг доллар бўлган.

Энг қурғоқчил жой қаерда?

Ер юзининг айрим жойларида йиллаб ёмғир ёғмайдиган нуқталар бор деб эшитганмиз. Улар қаерда?

Раҳмат ота КАРИМОВ,
шахсий пенсионер.

Ҳақиқатан ҳам сайёрамизнинг айрим жойларида яшовчи халқлар ёмғир ёғишини ҳафталаб, ойлаб, ҳатто йиллаб кутишади. Чилининг Калама шаҳри яқинидаги Десьерто-Атакана қишлоғида яшовчилар эса, бу ерларда қарийб 400 йилдан бери бир томчи ҳам ёмғир ёғмаган, деб таъкидлашади. Чиндан ҳам ана шу ер сайёрамизнинг энг қурғоқчил жойларидан бири ҳисобланади.



Гул, унинг муаттар ҳиди инсон кайфиятига хуш таъсир этади, унинг чарчоғини ёзади. Буни дилдан туйган Каттақўрғон бройлер гўшт етиштириш бирлашмаси ходимлари фабрика олдини катта гулзорга айлантиришди ва маданий ҳордиқ чиқаришни ташкиллаштиришди. Корхона аъзоларининг кўпчилиги БЛКЁИ аъзолари. Улар дам олиш пайтларида гулзор атрофида дам олишади, руҳий ҳордиқ чиқаришади. Бу эса ўз вақтида меҳнат самарадорлигининг ошишига олиб келаётир.

СУРАТДА: шу корхона ишчиси, БЛКЁИ аъзоси Гавҳар Жумаева гулзорда.

Сураткаш Ғ. АЛИЕВ.

Ҳодиса

Воқеа сабаблари аниқланмоқда

Бухорода, Навоий кўчасидаги уйларнинг бирида кечқурун соат саккиз яримлар атрофида кетма-кетига уч марта ўқ узилди. Орадан бир нафас ҳам ўтмай, уйнинг эшиги тарақлаб очилди ва ҳаяжонланган бир киши уйдан қочиб чиқди. У ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимларига қуйидагиларни гапириб берди:

— Мен Муҳиддин Рўзиев бўламан, шаҳардаги ширкатларнинг бирида ишлайман. Мен ҳозиргина одам ўлдирдим. У мени узоқ таъқиб қилди, 20 минг сўм нақд пул беришимни талаб этди, қўрқитди, пўписа қилди... Ҳар эҳтимолга қарши ўн олти калибрли ов милтиғини тайёрлаб қўйдим. У келиши биланоқ мени яна қўрқитиб, муносабатларни аниқлаб олишни талаб қила бошлади. Отишга мажбур бўлдим, уч марта отдим, мурда уйимда ётибди...

М. Рўзиевнинг уйига келган оператив гуруҳ воқеа содир бўлган ерни диққат билан кўздан кечирди. Унинг ким эканлиги аниқланди. У Бухоро шаҳридаги «Ваз» техника хизмати станциясининг ишчиси бўлиб, илгари икки марта судланган Изатулла Усмонов экан.

Бухоро вилоят прокуратураси тергов бўлимининг прокурори Ўктам Султонов бу фожиали воқеани шундай шарҳлайди:

— Тергов давом этмоқда, — деди у, — М. Рўзиевнинг айтганлари, албатта, ҳисобга олинади. Лекин, ўша куни И. Усмонов Рўзиевнинг уйига уй эгасининг машинасида нима сабабдан келган? Терговда ана шу ва бошқа саволларга жавоб олингач, иш судга оширилади.

И. САФАРОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ТВ

20 ОКТЯБРЬ — ШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

* * *

9.00 «Болалар — бизнинг келажагимиз». Кинопрограмма. 9.40 «Саёҳатлар эртаги». Бадиий фильм. 11.20 «Саломат бўлинг!». 11.50 «Даврага кел, дугонажон». Бадиий-публицистик кўрсатув. 14.05 «Инсон ва қонун» (такрор.).

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Қойилмақом Ғоша» туркумидан мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Бобурнома» . Асар яратилганлигининг 460 йиллигига. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ҳафтанома». 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Ҳамид Олимжон таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали мажлис. Москвадан трансляция пайтида ёзиб олинган. 23.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Лабиринт». Мактаб ўқувчилари учун кўрсатув. 18.45 «Ҳамма учун қурилган уйча». Мультфильм. 19.00 «Новости». 19.20 «Наврўз-90». Душанбедаги Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон театр санъатининг минтақа кўриги. 20.30 «Ахбор». 20.50 «Васфи деҳқон». Мусиқий кўрсатув. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Сайри Бадахшон». А. Рудакий номидаги Хорог мусиқий комедия театри. 23.15 «Акс садо қайтганда». Телевизион бадиий фильм (рус тилида).

● МТ 1

7.00 «120 минут». 9.00 «Сиз яратган боғ». 9.30 «Лось боласи». Мультфильм. 9.40 «Шимол оҳанглари». Фильм-концерт («Лентелефильм»). 10.10 «Партнёр». Тижорат хабарномаси. 10.40 «Ғолиблар». 11.40 П. И. Чайковский. «Ҳамлет». В. Шекспирнинг шу номли фожиасига ёзилган мусиқа. 12.10 «Ғаройиб Коста-Рика». Хроникал-ҳужжатли фильм. 13.25 Режиссёр Б. Кимёгаров фильмлари. «Рустам ҳақида достон». 1 ва 2-қисмлар («Тожикфильм»). 15.45 «Тайвандга туйнук». 16.35 «Қадимий китобларни асровчи». Библиофил М. И. Чуванов ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 16.45 «Ҳайвонот оламида». 17.45 «Халқаро панорама». 18.30 «Спортлото»нинг 20 йиллиги. Акробатик рок-н-ролл бўйича Москванинг очиқ чемпионатидан олиб кўрсатилади. 20.05 Томошабинларнинг талабларига биноан. «54 ёшга тўлганимда». Телевизион бадиий фильм («Экран»). 21.30 «Вақт». 22.00 ССЖИ ҳукуматида. 22.10 «КВН-90». Одесса Давлат дорилфунуни ва Воронеж инженер-қурилиш институти командаларининг учрашуви. Иккинчи ярим финал. 24.00 Россия парламентининг хабарномаси.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Д. — 28598.